



**Ўзбекистон Республикаси номидан
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

2022 йил 04 апрель Сирдарё тумани 4-1202-2202/182-сонли иш

Сирдарё туманлараро иқтисодий судининг судьяси Н.Сангиров раислигида, судья ёрдамчиси С.Сайданов котиблигида, аризачи А.нинг жавобгар “Ж” масъулияти чекланган жамиятига нисбатан 87 441 221 сўм 85 тийин молиявий жарима қўллаш тўғрисидаги аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатларни аризачи вакили С. (2022 йил 24 март кунги 22-09420-сонли ишончнома асосида) иштирокида Сирдарё туманлараро иқтисодий судининг биносида ўтказилган очиқ суд муҳокамасида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

А. (кейинги матнларда “аризачи” деб юритилади) судга ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар “Ж” масъулияти чекланган жамияти (кейинги матнларда “жавобгар” деб юритилади)га нисбатан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 майдаги 283-сонли қарори билан тасдиқланган “Ташқи савдо операциялари амалга оширилиши мониторингини олиб бориш ва назорат қилиш тартиби тўғрисида Низом”га асосан 87 441 221 сўм 85 тийин молиявий жарима қўллашни сўраган.

Ишни кўриш вақти ва жойи тўғрисида белгиланган тартибда хабардор қилинган жавобгар ва ишга низони предметида нисбатан мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида жалб қилинган Б ва “К” акциядорлик тижорат банки суд муҳокамасига келмади ёки вакили иштирокини таъминламади.

Бундай ҳолатда суд, Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси 220-моддаларига асосан ишни унда мавжуд материаллар асосида жавобгар ва ишга низони предметида нисбатан мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахс вакил(лар)и иштирокисиз кўришни лозим топади.

Суд мажлисида аризачи вакили даъво аризани қўллаб-қувватлаб, уни тўлиқ қаноатлантириб беришни сўради.

Ишга низони предметида нисбатан мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида жалб қилинган Б ишончли вакили томонидан ёзма фикр жўнатилган.

Суд, ишда қатнашувчи аризачи вакилининг тушунтиришларини тинглаб, иш материалларини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга асосан ариза талабини қаноатлантиришни, ишни кўриш билан боғлиқ почта харажатларини жавобгардан ундиришни лозим топди.



Иш ҳужжатларидан ва тақдим этилган ёзма фикрномадан аниқланишича, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2022 йил 1 январдаги №13-27/4-сонли хати билан тақдим этилган маълумотга асосан 2022 йил 1 январь ҳолатига муддати ўтган дебитор қарздорликлар аниқланган.

Унга кўра, “Ж” масъулияти чекланган жамияти билан Озорбайжон Давлатининг “О” МЧЖ ўртасида 2021 йил 14 январь кунги умумий қиймати 2 000 000,0 АҚШ долларга тенг бўлган ЕГК-01/2021-сонли (ИДН:207240048307953620210100002) экспорт шартномаси имзоланган, мазкур шартномага асосан 161 106,1 АҚШ доллари миқдорида 180 кундан ўтган дебитор қарздорлиги аниқланган.

Шунингдек, қонунчиликда белгиланган муддати ўтган дебитор қарздорлик ўз вақтида ундирилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 майдаги қарори билан тасдиқланган “Ташқи савдо операциялари амалга оширилиши мониторингини олиб бориш ва назорат қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 27-бандига мувофиқ даъвогар жавобгарга 87 441 221 сўм 85 тийин миқдорида молиявий жаримани ихтиёрий равишда тўлашни сўраб, 08.02.2022 йил куни 22-03712-сонли талабнома билан мурожаат қилган, талабнома жавобгар томонидан оқибатсиз қолдирилгандан сўнг, жавобгарга нисбатан 87 441 221 сўм 85 тийин миқдорида молиявий жарима қўллашни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекснинг 216-моддасига мувофиқ, ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар ушбу Кодексда назарда тутилган қоидалар бўйича, мазкур бобда белгиланган хусусиятлар инобатга олинган ҳолда кўрилади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекснинг 217-моддасига мувофиқ, ҳуқуқий таъсир чоралари қуйидагилардан иборат: фаолиятни тугатиш; атроф табиий муҳитга зарарли таъсир кўрсатаётган объектлар фаолиятини тугатиш ва (ёки) қайта ихтисослаштириш; фаолиятни чеклаш, тўхтатиб туриш ва тақиқлаш, бундан фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва соғлиғи учун бошқа ҳақиқий хавф юзага келишининг олдини олиш билан боғлиқ ҳолда фаолиятни ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга чеклаш, тўхтатиб туриш ҳоллари мустасно; банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно; молиявий санкцияларни қўллаш, бундан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлаш муддатини ўтказиб юборганлик учун пенялар ҳисоблаш, шунингдек юридик шахснинг ёки фуқаронинг содир этилган ҳуқуқбузарликдаги айбини тан олганлиги ва молиявий санкциялар суммаларини ихтиёрий равишда тўлаганлиги ҳолларимустасно; тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланиш учун лицензияларнинг (рухсатномаларнинг) амал қилишини ўн иш кунидан кўп бўлган муддатга тўхтатиб туриш ёки уларнинг амал қилишини тугатиш ва лицензияларни (рухсатномаларни) бекор қилиш, бундан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан бериладиган лицензиялар (рухсатномалар) мустасно. Суд қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини ҳам қўллаши мумкин.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 майдаги 283-сонли қарори билан тасдиқланган “Ташқи савдо операциялари амалга оширилиши мониторингини олиб бориш ва назорат қилиш тартиби тўғрисида Низом”нинг 27-бандига асосан, чет элдан хорижий валютадаги тушум тушиши кечиктирилишига йўл қўйган экспорт қилувчилар, шунингдек, “эркин муомалага чиқариш (импорт)” божхона режимида товарларни республикага олиб кириш ва расмийлаштиришни, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатишни 30 банк кунидан ортиқ таъминламаган импорт қилувчилар (кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун - 60 банк куни) белгиланган муддатлар тамом бўлгандан кейин:

180 кунгача кечикканда - тушмаган валюта маблағлари ёки “эркин муомалага чиқариш (импорт)” божхона режимида расмийлаштирилмаган товарлар, шунингдек, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар суммасининг 10 фоизига тенг миқдорда;

180 кундан 365 кунгача кечикканда - тушмаган валюта маблағлари ёки “эркин муомалага чиқариш (импорт)” божхона режимида расмийлаштирилмаган товарлар, шунингдек бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар суммасининг 20 фоизига тенг миқдорда қўшимча;

365 кундан ортиқ кечикканда - тушмаган валюта маблағлари ёки “эркин муомалага чиқариш (импорт)” божхона режимида расмийлаштирилмаган товарлар, шунингдек бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар суммасининг 70 фоизига тенг миқдорда республика бюджети даромадига қўшимча жарима тўлайдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 ноябрдаги “Ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3351-сонли қарорининг 1-банди “в” кичик бандига кўра, импорт операциялари бўйича муддати ўтказиб юборилган дебитор қарздорлик ҳосил бўлганлиги учун импорт қилувчиларга нисбатан экспорт операциялари бўйича муддати ўтказиб юборилган дебитор қарздорликка йўл қўйган экспорт қилувчилар учун назарда тутилган жавобгарлик чоралари қўлланилади.

Жавобгар томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 майдаги 283-сонли қарори билан тасдиқланган “Ташқи савдо операциялари амалга оширилиши мониторингини олиб бориш ва назорат қилиш тартиби тўғрисида Низом”нинг 27-банди талабларини бузилган.

Қайд этилган ҳуқуқ нормаларида келиб чиқиб, суд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 майдаги 283-сонли қарори билан тасдиқланган “Ташқи савдо операциялари амалга оширилиши мониторингини олиб бориш ва назорат қилиш тартиби тўғрисида Низом”нинг 27-бандига мувофиқ жавобгарга жами 161 106,1 АҚШ долларидидаги муддати ўтган дебитор қарздорлик суммасининг 5 фоизи, яъни 87 441 221 сўм 85 тийин миқдоридида талабнома расмийлаштирилган кунги Марказий банк томонидан АҚШ долларига нисбатан белгиланган валюта курси (08.02.2021 йилда 1\$=10.855,11 сўм) бўйича 87 441 221 сўм 85 тийин миқдоридида молиявий жарима қўллашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118-моддасига мувофиқ, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг



каноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи 9-моддасининг 19-бандига мувофиқ, аризачи ва жавобгар - ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича давлат божи тўлашдан озод этилган.

Мазкур ҳуқуқ нормаларидан келиб чиқиб, суд жавобгардан давлат божи ундирмасликни, жавобгардан аризачи фойдасига 21.600 сўм почта харажатлари ундиришни лозим топади.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 14.05.2020 йил кунги “Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо операциялари мониторингини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 283-сонли Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси ИПК 118, 215, 222-моддаларини қўллаб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

Ариза тўлиқ каноатлантирилсин.

Жавобгар - “Ж” масъулияти чекланган жамиятига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 майдаги 283-сонли қарори билан тасдиқланган “Ташқи савдо операциялари амалга оширилиши мониторингини олиб бориш ва назорат қилиш тартиби тўғрисида Низом”га асосан 87 441 221 сўм 85 тийин молиявий жарима қўлланилсин.

Қўлланилган молиявий жарима суммасини қонунда белгиланган тартибда ундириш даъвогар зиммасига юклатилсин.

Жавобгар “Ж” масъулияти чекланган жамияти ҳисобидан даъвогар А. фойдасига 21.600 сўм почта харажатлари ундирилсин.

Давлат божи ундирувсиз қолдирилсин.

Ҳал қилув қарори ўн кунлик муддат ўтгач қонуний кучга киради. Ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан сўнг почта харажатларини ундириш бўйича ижро варақаси берилсин.

Мазкур ҳал қилув қароридан норози тараф шу суд орқали ўн кунлик муддат ичида апелляция шикоятни бериши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 майдаги 283-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 28-бандига асосан, ташқи савдо контрактлари бўйича тўлиқ миқдорда валюта маблағларининг тушиши ёки товарларнинг республикага олиб кирилиши ҳамда “эркин муомалага чиқариш (импорт)” божхона режимида расмийлаштирилиши, ишлар бажарилиши ва хизматлар кўрсатилиши таъминланган тақдирда:

суд ҳужжати қонуний кучга кирмаган вақтда - ижрога қаратилмайди;

молиявий жарима қўллаш тўғрисидаги суд ҳужжати қонуний кучга киргандан сўнг 90 календарь кун ичида ва уни шу муддат ичида ижро этиши пайтида - иш юритиш тугатилади ва мажбурий ундириш бўйича кўрилган барча чоралар бекор қилинади. (давлат солиқ хизмати органлари ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси томонидан);

ундирилган жарималар хўжалик юритувчи субъектнинг аризаси асосида банк ҳисобварағига қайтариб берилади.

Судья

Н.Сангиров

